

ИККИ КУНДА ТҮРТ ФАСЛНИ КАШФ ЭТДИМ

Ирода Эрдошева

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё Тумани.

Қорақалпоқ Давлат Университети Журналистика факултети 2 босқич талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13895281>

Ўзбекистон – ажойиб диёр. Бизнинг Ватанимиз табиатидай табиат бошқа ҳеч қаерда йўқ...

Агар дадам, ойим ёки бувим бирор жойга саёҳатга борадиган бўлсалар, мени ҳам ўзлари билан олиб кетишларини илтимос қиласман. Республикализнинг қайси бурчагида бўлмай, ҳар сафар ўзим учун янги-янги таассуротлар ортираман...

Ўлкамиз табиатининг ажойиб хислатларидан бири шуки, биз бир кунда ҳам қиши, ҳам баҳор, аниқроғи, йилнинг тўрт фаслини ҳам кўришимиз мумкин. Бунақаси бўлмайди, дейсизми? Мана қаранг!

Таътил пайти дадам билан Қашқадарёга борганимизда, йилнинг ёз палласи эди.

Лекин, Ҳисор тоғ тизмалари орқали Сурхондарёга ўтаётганимизда, тоғ этакларида худди баҳордай, ҳамма ёқ кўкаламзор, лолалар очилиб турган. Кейин биз Чимён тоғларига борганимизда, тоғ ён бағрларида кор кўрдик, спорт ишқибозлари эса чанғиларда учишаётган эдилар – худди қиши фаслидагидай-а!

Кейин машинада ўз туманимизга қайтаётганимизда, Зомин табиат кўриқхонасида бўлдик. Худди, куз пайтидагидай осмонда булат, биздан сал пастроқда эса, худди туман каби булатлар айланиб юрарди. Бирданига қуёш чиқиб, ҳамма ёқ ёп-ёруғ бўлди-ю, яна ёмғир ёға бошлади. Ҳаво ҳарорати эса, Зомин туман марказидан 15 даражада паст эди.

Бунақа, иқлим бизнинг Қорақал-погистон Республикализда фақат қиши фаслига хос.

Шундай қилиб, мен икки кун ичида Она Ватаним табиатидай тўрт фаслни кашф этдим. Бундан ташқари, у жойларнинг табиати, сероб сувлари, уларнинг қуёш нурида товланиб, кўзгу каби кўзни қамаштириши, Қамчик довони арчазорлари ва табиати тўғрисида кейинги сафар албатта ҳикоя қиласман.